

## Давлат қайд рақами: АМ-ФЗ-201908172

*“Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш” деб номланган амалий лойиҳанинг бажарилиши муддати 2020 (апрель)- 2023 (март) йилларга режалаштирилган. Лойиҳа раҳбари “Лингводидактика” кафедраси профессори, филология фанлари доктори Раупова Лайло Рахимовна*

Ўзбек тилининг таълимий корпуси тилнинг лингводидактика ва лингвистикада маълумотларни марказлаштириш, қайта ишлаш имконияти ҳамда корпусдан фойдаланиш аҳамиятини белгилайди. Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш хориж тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда **уч босқичда** амалга оширилади. Жумладан: **биринчи босқичда** маълумотлар электрон кутубхона шаклида, **иккинчи босқичда** матнни қайта ишлаш шаклида, **учинчи босқичда** эса ҳажман катта, аммо содда тегли корпуслар яратиш режалаштирилган. Таълимий корпуснинг лойиҳалаш ва тузиш технологик жараёнлари ўрганилиб, тегнинг корпусда матнни қайта ишлашни белгилаб бериши, тег сўз шаклларнинг грамматик белгиларини кўрсатиши ва корпус менежерининг қидирув, саралаш, филтрлаш вазифаси ва унинг BONITO, XAIRA, SARA, SQR, DDS ва бошқа турларида иш олиб бориш назарда тутилган. Таълимий корпусни яратишда ўзбек тилининг илмий, амалий мақсад ва вазифалари, миллий, параллел, мультимодал корпуслардан фарқи, таълимий корпусининг тузилиши, таркиби, ҳосиласи хориж тажрибаси асос сифатида эътиборга олинади.

Лойиҳа асосида яратиладиган маҳсулотлар хорижий университетларда, тил марказлари, элчихоналар қошида ташкил этилган курслар тингловчиларига ўзбек тилини тизимли равишда ўрганишга шарт-шароит яратади. Шунингдек, лойиҳа маҳсулотлари хориждаги ҳамкорлик қилинаётган олий таълим муассасаларига, хориж элчихоналари тасарруфидаги марказларга, хорижда ўзбек тили соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган мутахассисларга ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Ушбу лойиҳанинг амалга ошиши хориждаги таълим муассасаларини ўзбек тилининг таълимий корпуси бўйича ўқув-услубий жиҳатдан таъминланишига имкон беради.

Жаҳон тилшунослигида сунъий интеллектнинг автоматик таржима, компьютер таҳлили, таҳрири, тезаурус, электрон луғат сингари имкониятлари кенгайди, илмий-назарий асослари яратилди, амалиётда қўллаш мумкин бўлган илк намуналари қўлланила бошлади. Фандаги бу янгиланишлар ахборот технологияларини тилшунослик ва таълимга татбиқ этишни кун тартибига қўйди. Жаҳон педагогика ва лингводидактикаси тил, адабиёт, ижтимоий фанлар, хорижий тилларни ўқитишнинг янги-янги усул ва

воситалари ишлаб чиқилмоқда. Таълимий корпус шундай интенсив дидактик воситалардан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони”да: “... она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш” вазифаси алоҳида қайд этилган. Ушбу лойиҳанинг бажарилиши мазкур Фармонда кўрсатилган илмий муаммоларни ҳал этишга, ўзбек тили таълимининг информацион воситалари: корпус, унинг сайти ва иловасини яратиш, шу орқали она тили ёки хорижликлар учун ўзбек тилини ўрганишнинг янги имкониятини яратади. Ўзбек тилининг таълимий корпуси она тили таълимида зарур бўладиган луғат, аудио, видео ҳамда дидактик материалларни ўз ичига олган ахборот-таълимий база бўла олади. Ушбу корпус она тилининг имкониятларини янада кенгрок очиш, гўзал ва бетакрор тилимизни ўрганишга ёрдам беради.

Лойиҳа ўзбек тилининг таълимий ва миллий корпусларини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, босқичма-босқич маълумотлар шакллантирилишига қаратилган ва ўзбек адабий тилининг бугунги сўзлигини қамраб олган электрон дарслик, кўп тилли сўзлашгичлар ва ўзбек тилининг бошқа тилларда эквиваленти бўлмаган, таржима қилинмайдиган лексик бирликлари – миллий-маданий сўзларнинг изоҳи берилган глоссарий, ўзбекча тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантиришга қаратилган аудио ва видеоматериаллар ҳамда мобил илова қамраб олинган мультимедиа маҳсулотлари мажмуасини яратиш кўзда тутилган. Бу эса республикамизнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган илмий ва технологик захираларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълимий корпус - ўзбек тилини давлат тили ва иккинчи тил, шунингдек хорижий тил сифатида чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Таълимий корпусни ташкил этувчи электрон контент - аудио, видео, мултимедия иловалар, талаффуз ва имло қоидаларни ўргатувчи дастурлар, электрон ўқув луғатлари фойдаланувчиларга ўзбек тилини мустақил ҳолатда ҳам қулай ўрганишга шароит яратади. Амалдаги ўқув дастурлари мазмунидан фарқли равишда мазкур комплекс ўзбек тилини нотаниш вазиятларда ҳам қўллай олиш кўникмаларини шакллантиради. Ундан ўзбек тилини ўрганишни

бошловчилар, ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, талабалар кенг жамоатчилик фойдаланиши мумкин.

**Лойиҳанинг асосий мақсади** ўзбек тили таълимий корпусини яратиш: мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий таълим талабалари таълимда фойдаланадиган асосий ресурслар базасини – таълимий корпусни яратиш (корпусни ташкил этувчи ресурсларни бир илова/сайтга тўплаш, улардан қулай фойдаланиш учун платформа яратиш). Лойиҳада ўзбек тилининг таълимий корпуси, унинг ўзига хос хусусияти, ижтимоий, лексикологик, таълимий ва бошқа соҳалардаги аҳамияти, корпус лингвистикаси тарихи, корпус турлари, таълимий корпусининг лингвистик қимматини ўрганиш, ўзбек тили таълимий корпусини яратишнинг лингвистик асосларини ишлаб чиқиш мақсад этиб белгиланган.

Лойиҳа асосида яратиладиган маҳсулотлар хорижий университетларда, тил марказлари, элчихоналар қошида ташкил этилган курслар тингловчиларига ўзбек тилини тизимли равишда ўрганишга шарт-шароит яратади. Интернет тармоғида <http://uzschoolcorpara.uz/> сайти яратилиб, ишга туширилди.